



# O'ZBEKISTON OVOZI

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида аҳолини хабардор этишда ОАВ, фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга хизмат қилади.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 22 май кuni Оқсаройда расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мунтазам равишдаги Ўзбекистон — Ҳиндистон сиёсий мулоқоти томонлари қизиқтирган барча йўналишлар бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва ишбилармон доиралари ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни янада фаоллаштириш ва диверсификация қилишдан, иқтисодийнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва биотехнологиялар, энгил ва кимё sanoati, шунингдек, углеводород хомашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш каби юқори технологияли тармоқларида ўзаро фойдали кўшим қилиш ва чиқариш объектларини барпо этишдан манфаатдор экани қайд қилинди.

2012 йил якунига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми аввалги даврдаги кў-

саткича нисбатан анча юксалиб, 201 миллион АҚШ долларидан ошган.

Асосий минтақавий ва глобал масалалар ечимига ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги томонларнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Афғонистон муаммоси юзасидан фикр алмашув чоғида ушбу жафоқаш мамлакатда вазиятнинг барқарорлаштирилиши минтақамиз халқлари манфаатларига мос келиши ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклигига доир бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ҳамид Ансорий самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ҳиндистон раҳбарияти Президент Ислон Каримовнинг 2011 йил май ойида Деҳлига давлат ташрифи асосида эришилган принципал келишувлар руҳида Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини қайд этди.

ЎЗА

## ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



Паркент туманидаги «Гулбор» маҳалласи ҳудудида қаровсиз, ташландик ётган жойда қисқа фурсат ичида намунавий лойиҳалар асосида шинам уй-жойлар барпо этилди. Маҳалла бугун Паркентнинг энг хушманзара ва обод гўшаларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, бу уйлар қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

## ОБОД ВА ФАРОВОН ТУРМУШ

партиямиз дастурий мақсадларининг асосидир

2-бет

## ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорий 22 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди.

Учрашувларда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар аънанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланаётгани, бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади. Ўзаро савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мамлакатимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур мамлакатнинг 18 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар асосан тўқимачилик, озиқ-овқат sanoati, фармацевтика, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг тур-

ли йўналишларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

— Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳамкорлик узоқ даврларга бориб тақалади, — деди Ҳамид Ансорий. — Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлик алоқалари кўпга соҳаларда жадал ривожланаётгани бизни гоёят қувонтиради. Дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланган алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Ҳиндистон делегацияси аъзолари шу кuni Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорий Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Темирийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди, Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилди.

Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА мухбирлари.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ: ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛИ

фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади

Самарқанд шаҳридан келган отахон ва онахон Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўзлари сайлаган депутатга мурожаат этишди. Уларни шаҳар четидаги ўз уйлари жойлашган кичик кўча қачон қайта таъмирланиши ҳақидаги масала ўйлантираётган экан.

Бу мурожаат бир қарашда арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо унинг ортида ечимини кутаётган масала бор. Депутатлик фаолиятимиз давомида бундай саволларга, маълумот олиш билан боғлиқ мурожаатларга тез-тез дуч келамиз. Улар асосан ҳудудларда олиб борилаётган, режалаштирилган

қурилиш-ободонлаштириш ишлари, корхона-ташкilotларда мавжуд бўлиш ўринлари, тижорат банклари фаолияти ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ҳақида бўлади. Ваҳоланки, бундай саволларга пойтахтга келиб юрмасдан, жойининг ўзида жавоб олиш мумкин.

➔ 2

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ — ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛАШ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Хивада «Сайлов жараёни демократлаштириш соҳасида халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тadbир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) филиали ва Фридрих Эберт номидаги жамағатнинг (ГФР) минтақавий ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Унда Германия, Испания, Россия ва бошқа давлатлардан экспертлар, қатор халқаро ташкilotлар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, сиёсий партиялар, тадқиқот ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

— Сайлов эркинлиги ва эркин хоҳиш билдириши таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий давлатчилигимиз моделининг асосий принциpidир, — деди давра суҳбатини очар экан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов. — Ушбу демократик нормаларни тўлиқ ифо-

да этадиган сайлов тизимини яратиш мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан мутлақо янги давлат тузумини шакллантириш, чуқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир ҳаётга татбиқ этилаётган ишларнинг муҳим бўлигига айланди.

Барча соҳаларни изчил демократлаштириш доирасида миллий сайлов қонунчилигимиз ҳам мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бу Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуриш ва демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Тadbирнинг хоржилик иштирокчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда демократик принципларга мос сайлов қонунчилиги шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади



www.uzbekistonovozi.uz

### ХУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

# ОЧИҚЛИК ТАМОЙИЛИ

## фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олиш тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига хизмат қилади

Шу оддий мисолдан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ахборот олиш имкониятини кенгайтириш ва мустақам кафолатлаш ҳаётини заруратдир. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизда эксперимент сифатида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қабул қилиниши долзарб ҳаётини аҳамиятга эга.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги маълумотлар қамрови ниҳоятда кенг. Улардан аҳолининг хабардорлик даражаси ошиши жамиятда ижтимоий-иқтисодий фаоллик юксалишига хизмат қилади. Шундай механизм ишлаши кераки, фуқароларнинг янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имконияти кенг бўлсин ҳамда бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига салбий таъсир этмасин.

Бугун ҳаётнинг ўзи жамиятни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштиришнинг янги жараёнларини талаб этмоқда. Маълумки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник асос шакллантирилди. Ахборот соҳасини демократия тамойиллари асосида ривожлантириш жараёни изчил давом этмоқда.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг айнан ахборот соҳасидаги конституциявий эркинликлари ва

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ҳуқуқларини таъминлаш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тамойиллари ҳамда жараёнларини аниқ белгилаш имконини беради. Аҳолига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлардан фойдаланишга етарли шароит яратилишини таъминлайди.

**АХБОРОТ ОШКОРАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ УЧУН ҲАМ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ ЮРИДИКЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ҲАҚИДАГИ ХОС ИЎЛГА АЙЛАНДИ. ЗЕРО, ҲАР ҚАНДАЙ ҚОНУН ХУҲЖАТИНИНГ КУЧИ АЙНАН ХАЛҚҚА, ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИДАДИР.**

Давлатимиз раҳбари Фармоийига кўра, қонун лойиҳасининг амалий синови йил охирига қадар Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизда ўтказилди. Таъкидлаш кераки, бу жамиятимизда демократияни янада ривожлантиришда ўзига хос янги ва ноёб ҳуқуқий тажриба бўлмоқда. Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш қонун ҳужжатининг фаолиятининг муҳим ва замонавий усулларидан бири ҳисобланади. Мазкур тажриба мамлакатимизда илк бор ўтказилаётганини ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур.

Қонун лойиҳаси вилоят, туман ҳамда шаҳарлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолияти шароитида синовдан ўтказилаяпти. Унда давлат тузилмаларида ташқари, давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ, жисмоний ва юридик шахслар иштирок этмоқда.

Эксперимент давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси меъёрлари самарадорлигини белгилаш, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ахборотдан эркин фойдаланиш имкониятини рўйбга чиқаришга хизмат қилади. Ҳуқуқий тажриба натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш имконини беради.

Хозирда ҳуқуқий экспериментнинг асосий босқичи амалга оширилмоқда. Самарқанд ва Бухоро вилоятлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларини фойдаланувчилар учун қулай шаклда тақдим этмоқда. Эксперимент якунларига асосан, қонун лойиҳаси меъёрларини уларнинг ижро этилиши самарадорлигини таъминлаш нуктаи назардан такомиллаштириш муҳим масаладир. Ҳуқуқий эксперимент, шу маънода, парламент куйи палатаси депутатлари, мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Қонун лойиҳаси такомиллашуви Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган эзгу мақсад рўйбга хизмат қилиши зарур.

Яъни, бу жараёнда фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақида, қонунлар, муайян давлат ва ҳудудий дастурлар жой-

ларда қандай амалга оширилаётгани бўйича ишончли, тўлиқ маълумотлар олишни кафолатлаш, ахборотдан фойдаланишни эркинлаштириш асосий эътиборда бўлиши керак.

**ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ТАЪСИРЧАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ОЛИБ БОРИШДА ҲАМ МУҲИМ ҲАМДА ҲАҚИДАГИ ХОС ИЎЛГА АЙЛАНДИ. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ БИЛАН БОҒЛИК ФАОЛИЯТНИНГ ФУҚАРОЛАРИМИЗ УЧУН ОЧИҚ БЎЛИШИ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ЎЗ ФАОЛИЯТИГА МАСЪУЛИЯТИНИ ЖИДДИЙ РАВИШДА ОШИРАДИ. БИР СЎЗ БИЛАН АЙТГАНДА, БИЗ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ХУҚУҚИЙ ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИШ ОРҚАЛИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мурожаат билан келган самарқандлик ҳамюртларимизга келсак, отахон ва онахон шунча йўлни бесамар босишмади. Улар ўзлари истиқомат қилаётган кўчанинг қайта таъмирланиши ҳақида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир ахборотлар олишни кафолатлашга хизмат қилувчи қонун лойиҳасининг ҳуқуқий тажрибаси тўғрисида атрофлича маълумотга эга бўлишди. Бу тажриба уларга яшаш жойлари бўйича биринчи манба — маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларидан энг ишончли маълумотларни тез фурсатда, тўсиқсиз, сарсонгарчиликсиз олиш имконини беради. Эскир, асосий босқичи жадал тус олаётган ҳуқуқий эксперимент айнан шундай оддий одамлар, ҳар бир фуқарога қулайлик яратиши, давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнини том маънода янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

**Фахриддин РАЖАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

### ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати



# ОБОД ВА ФАРОВОН ТУРМУШ

## партиямиз дастурий мақсадларининг асосидир

Шаҳарга айланиб бораётган «Гулбоғ» маҳалласида ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган амалий семинарда қишлоқларда яратилаётган имконият ва шароитлар партия электорати манфаатига хизмат қилаётгани, кишлоқларнинг дунёқарабини юксалтираётгани таъкидланди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят Хотинқизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» илмий-амалий маркази, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси масъул ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда электротар вакиллари иштирок этди.

лашимиз керак. Шу билан бирга, уй-жойларнинг сифатли қурилиши, у ерда ижтимоий инфратузилмани шакллантириш ишлари устидан жамоатчилик, таъсирчан депутатлик назоратини олиб бориш зарур, деб ҳисоблайман.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ўрни ҳақида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев** сўз юритди.

— Яқинда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, — деди у. — Қонуннинг 8, 10 ҳамда 30-моддаларига киритилган ўзгаришларда маҳалла оқсоқоллигига сайлов, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, кишлоқ уртасида инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу меъёрлар айнан бизнинг партиямиз электорати манфаатига хизмат қилади. Шундай экан, янги қонун ҳужжатларини нафақат фаол тарғиб қилиш, балки, унинг жойларда самарали ишлашини назорат-таҳлил этиб бориш лозим.

— Мамлакатимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни тобора чуқурлашиб бораётган, — деди «Гулбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партия фаоли **Бекзод Эгамбердиев**. — Бу ЎзХДП фаолияти мисолида ҳам яққол намоян бўлмоқда. Партиямиз тизимдада ўтказилаётган амалий семинарлар орқали қамраб олинган кишлоқ сиёсий-ҳуқуқий билиминини мустаҳкамлаш, қонунчиликдаги ўзгаришлар мазмун-моҳиятини билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқда.

**Аслида маҳалла тизими олдидagi бугунги жиддий вазифалар ЎзХДПнинг дастурий мақсадлари билан ҳамохан. Обод ва фаровон турмуш партия го ва мақдурасининг асоси, шунингдек, маҳаллалар фаолиятининг ҳам бош мақсади. Демак, ўзаро ижтимоий шериклини ҳар томонлама ўзқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайман. Бу, албатта, эзгу мақсадларимиз амалга ошишига хизмат қилади.**

Тадбир доирасида партиянинг кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари фуқароларнинг турли масалалар юзасидан мурожаатларини ўрганишди. Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари, пенсия ва ёшга доир нафақаларнинг тайинланиши билан боғлиқ масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, айрим мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳамкор ташкилотлар билан бирга ҳал қилишга келишиб олинди.

**Нурали ОРПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ —

## ФУҚАРОЛАРНИНГ САЙЛАШ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

«ЕХХТ сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда, — деди ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо. — Мамлакатингизда сайлов қонунчилиги такомиллаштирилаётган сайлов жараёнини демократлаштиришнинг муҳим омилдир. Марказий сайлов комиссияси сайлов оқсамда кавияда ўтиши учун барча зарур ишларни амалга оширмоқда».

Қонунчилик биноан, ҳокимият вакиллик органларига сайловлар кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Давра суҳбати катнашчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайловларда фуқаролар ва сиёсий партияларнинг эркин, фаол иштироки эътиборга олинади. Давра суҳбати катнашчиларининг таъкидлашича, сайловларда фуқароларнинг эркин, фаол иштироки эътиборга олинади. Давра суҳбати катнашчиларининг таъкидлашича, сайловларда фуқароларнинг эркин, фаол иштироки эътиборга олинади. Давра суҳбати катнашчиларининг таъкидлашича, сайловларда фуқароларнинг эркин, фаол иштироки эътиборга олинади.

Давра суҳбатида сайловларнинг очиқлиги ва транспарентлигини таъминлаш, фуқароларни сайлов кампанияларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида тезкор хабардор қилишга оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масаласига алоҳида эътибор

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қаратилди. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти ўтказиш учун давлат оммавий ахборот воситаларида тенг ҳақда эфир вақти ва босма майдон тақдим этиш кафолатланган сайлов қонунчилиги қоидаларини тўлиқ амалга ошириш зарурлиги кайд этилди. Тадбир катнашчиларининг чиқишларида сайлов кампанияларида партия матбуоти ва нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам фаол иштирок этаётгани таъкидланди.

Европа сиёсий маслаҳатчилар ассоциациясининг вице-президенти Даниэль Уреннинг (Испания) айтишича, «сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш — сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар ўз сайловолди дастурлари ҳамда гоаялари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиши учун энг самарали услубдир. Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилиги, жумладан, сайловларда оммавий ахборот воситаларининг иштироки таъминланган. Сайловларда фуқароларнинг ролини ошириш, демократия ва жамият ишлаши ҳамда қароқчиликнинг иштирокини кенгайтиришга ёрдам беришини таъкидлади. Сўнгги йилларда ўтказилган сайловлар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Уларнинг натижалари халқимиз онгида чуқур ўзгаришлар рўй бергани, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ҳамда сиёсий маданияти юксалганини намоян этди.

«ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлар бўйича департаменти маслаҳатчиси Александр Шлиннинг таъкидлашича, «ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга доир изчил қабул қилинаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган қонунда мuddатидан олдин овоз бериш тартиби батаф-

сил баён этилган, унинг натижалари махфийлиги кафолатланган. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг парламент Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштироки таъминланган. Сайлов кампанияларида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланган. Сайлов кампанияларида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланган. Сайлов кампанияларида фуқароларнинг эркин иштироки таъминланган.

«Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ўтган йили киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайловда иштирок этувчиларнинг кўпайишини таъминлаш, шунингдек, сайловолди ташвиқоти ўтказишнинг барча жihatларини қатъий тартибга солиш имконини беради», — деди МДХ Ижроия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун.

Миллий демократия институтининг (АҚШ) Ўзбекистондаги филиали директори Оскар Кастенснинг айтишича, «турли давлатларнинг сайлов жараёнини тартибга солиш хизмати имкониятлар яратиш маъносида сайлов кампаниялари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, сайловолди ташвиқоти ўтказишнинг янги шакллари, услуб ва шартларини амалиётга жорий этишга қаратилган.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайловлар бўйича департаменти маслаҳатчиси Александр Шлиннинг таъкидлашича, «ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга доир изчил қабул қилинаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган қонунда мuddатидан олдин овоз бериш тартиби батаф-

қация технологияларидан фойдаланишни мониторинг қилиш бўйича тўпланган тажриба билан танишиди.

Гейдельберг университети Сиёсат фанлари институтининг эксперти Стефан Вурстер (Германия) мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси ҳақида гапирар экан, шунини таъкидладики, «демократик сайлов тизимини ташкил қилиш — узоқ мuddатли жараён бўлиб, ҳар бир мамлакат учун мақбул йўлни топиш гоят мураккабдир. Ўзбекистонда киска вақт ичида демократлаштириш бўйича муайян тажриба тўпланган, жумладан, мамлакатингиз сайлов амалиёти ниҳоятда бой ҳамда хилма-хилдир».

Чет эллик экспертлар Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиёти қатор параметрлари бўйича бошқа демократик давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кайд этди. Бу Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигиде амалга оширилаётган ислохотлар сиёсати юксак самаралар бераётганидан ёрқин далолатдир.

Давра суҳбатининг иштирокчилари демократик сайловларни ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми янада мустаҳкамлаш, жумладан, сайлов комиссиялари ишини яхшилаш, сиёсий партиялар фаолиятини жонлантириш, партиялараро рақобатни кучайтириш, сайлов жараёнининг очиқ-ошкоралиги ва транспарентлиги принципларини тўлиқ рўйбга чиқариш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳамда сайлов ташкилотчиларининг маълумасини оширишга доир таклифлар билдирди.

Давра суҳбати якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА, Аҳмаджон ШОКИРОВ, ЎЗА муҳбирлари.**

Реклама ўрнида

Хориж



# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимизда нефть ва металлларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алоқа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб лойиҳаларни молиялаштирмоқда.**

Банк машур халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида ҳар йили қатнашиб, жаҳон банк тизимида илғор позицияларни эгаллаб келмоқда. Миллий банк «The Banker» нашри томонидан эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000та энг йирик банки рейтингига 1993 йилдан бундан кейин қайта келинмоқда ва бугунги кунда Марказий Осиё, Россия, Марказий ва Шарқий Европанинг энг катта банклари орасида 862-ўринда турибди. Бундан ташқари, 2012 йил якунларида кўра, Миллий банк «РИА-Рейтинг» рейтинг агентлигининг версиясига кўра, ўз активлари ҳажми бўйича МДХнинг 100та энг йирик банки рейтингига 50-ўринни эгаллаган.

Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан муҳим барча минтақаларида жойлашган Миллий банк бўлим ва филиаллари 2,5 миллиондан ортиқ корпоратив ва хусусий миқозларга кенг доирадаги хизматлар тақдим этилишини таъминлаётти.

**«Ўзмиллийбанк»нинг миллий валютадаги жамлама баланси ҳажми 12 759 млрд. сўмни ташкил этди. 21,5 млрд. сўм миқдорига соф фойда олинди. Банк сармоёси 2013 йилнинг биринчи чорагидаги ҳолатга кўра 5,1 фоиз ўсиб, 1011,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Кредит портфелининг ҳажми жорий йил 1 апрелдаги ҳолатга кўра 6 206,3 млрд. сўм бўлди. Бунда кредит портфелининг асосий улуши узок муддатли кредитларга тўғри келди. Уларнинг қиймати салмоғи 92 фоизни ташкил этди.**

Миллий банкнинг мамлакат иқтисодий манфаатларини имкони борича қўллаб-қув-

дунёдаги 83та энг катта банк билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган эди. Ҳозир эса Миллий банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига мансуб қарийб 662та халқаро молия муассасасини қамраб олган. «Ўзмиллийбанк» ҳамкорларининг географияси анча кенг бўлиб, МДХ мамлакатлари, Фарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё, Яқин Шарқ, Африка мамлакатлари ва Австралияни ўз ичига олган.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг тараққиёти янги қийматлар, янги иш ўринлари ҳамда янги ишлаб чиқариш ва истеъмол талабини вужудга келтирувчи кенгайтирилган тақдор ишлаб чиқаришни таъминловчи инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга таянади. Инвестиция лойиҳаси молиялана олиши, яъни лойиҳа зарур молиявий ресурсларни мақбул (рақобатли) шартларда жалб қилишга қодирлиги ҳамда бу ресурслар лойиҳа хатарларига адекват бўлган фойда нормаси билан қайтарилишини таъминлаш олиши инвестиция лойиҳасини самарали амалга оширишнинг (кўпинча эса — амалга ошириш имкониятининг) энг муҳим омил ҳисобланади.

Лойиҳаларни молиялаштириш орқали инвестицияларни ташкил қилиш, биринчи навбатда, одатдаги кредитлашдаги нисбатан кўпроқ имкониятларни очиб беради. Бунга эса, қўлланиладиган схемаларнинг қайишқоқлиги ва хилма-хиллиги сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда Миллий банк кредитлари республика иқтисодиётининг амалда барча тармоқларида ишга солинган. Лойиҳаларни молиялаштириш натижасида тармоқ ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилмоқда.

Бундан ташқари, Миллий банк хорижий банклар билан

Миллий банк Фарбда ишлаб чиқарилган ҳаво кемалари замонавий паркни яратишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ҳам фаол қатнашмоқда. Зеро, уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизга хорижий сайёҳларнинг оқимини кўпайтиради, Ўзбекистон компанияларининг алоқалари кенгайиши ва тадбиркорлик ривожланишида ёрдам беради.

**Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит ресурсларини жалб этган ҳолда бир қанча иссиқлик электр станцияларида буғ-газ қурилмаларини бунёд этиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилган ва амалга оширилмоқда. Бу ишларда «Ўзмиллийбанк» тақдор молиялаштирувчи банк вазифасини бажараяпти. Булар хусусан: Навоий ИЭС (буғ-газ қурилмасининг қуввати — 478 МВт, кредит суммаси — 286,2 млн. евро); Тошкент ИЭС (буғ-газ қурилмасининг қуввати — 370 МВт, кредит суммаси — 76,2 млн. АҚШ доллари); Толимаржон ИЭС (иккита буғ-газ қурилмасининг қуввати — 450 МВт, кредит суммаси — 240,86 млн. АҚШ доллари).**

Юқоридаги учта лойиҳани амалга ошириш учун Миллий банк билан «Ўзбекэнерго» ДАК ўртасида умумий қиймати эквивалентда 687 млн. АҚШ доллари ташкил этувчи кредит шартномалари тузилган.

Бундан ташқари, «Тошкент ИЭСда 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини қуриш» инвестиция лойиҳасини амал-



ларни сотиб олишда асосий кредитор вазифасини бажараяпти.

1996 йилга қадар саноатнинг экспортга ишловчи соҳаларидагина иборат бўлган Миллий банк миқозлари сафи бугунги кунда банкнинг кредит портфелида устувор макомни олган кичик ва хусусий корхоналар ҳисобига кенгай бошланди.

Миллий банк ўтган даврда ЕТББ, ОТБ, ҚФВ, ХМК, ОПЕК Фонди, ИТБ, Корея Эксимбанки ва ХДТБ каби жаҳон молия ташкилотларининг бир қанча кредит йўналишларини жалб қилди. Шу тадбирлар натижасида республикага импорт қилинаётган товарлар ҳажмини камайтириш ва экспорт ҳажмини ошириш, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини кўпайтиришга хизмат қилган ва шу тариқа мамлакатнинг ташқи савдо балансида ижобий сальдога эришишда кўмаклашган лойиҳалар молиялаштирилди.

Хусусан, Корея Эксимбанкининг маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 64,38 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 13та лойиҳа молиялаштирилди.

Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг (ХДТБ) маблағлари ҳисобидан «Ўзмиллийбанк» томонидан умумий қиймати 74,99 млн. АҚШ доллари бўлган 162та лойиҳа молиялаштирилди.

«Ландесбанк Берлин» очган кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бта лойиҳанин умуий қиймати эса 39,54 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Агар Миллий банк берган кредитларни мулкчилик шаклига кўра қараб чиқадиган бўлсак, шунга таъкидлаш мумкинки, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида «Ўзмиллийбанк» иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини қамраб олган. Булар — энгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар. Иқтисодиётга хорижий сармоя кириб келиши қўшма корхоналар сони ортишига сабаб бўлапти.

«Баркамол авлод йили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига катта аҳамият берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб

эълон қилинганлиги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш учун янги имкониятлар бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақдоғлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, жорий йилда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик, ривожланиши учун кенг имкониятлар ҳамда имтиёзлар яратиши кўзда тутилган. Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар турмушини энгиллаштириш, маҳалла институтининг ролин кучайтириш, оилаларнинг фарқлиқлигини ошириш ишларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2013 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, Миллий банк томонидан кичик бизнес субъектларини молиялаштириш учун миллий валютада 249,4 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда микрокредитлаш иши катта аҳамиятга эга. Микрокредитлаш субъектлари мушаккил тадбиркорлик фаолияти борасидаги дастлабки ижобий тажрибани тўплаб, ўз кичик бизнесини йириклаштириб, йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналарига айланиш учун кучли рағбатга эга бўладилар. Шу мақсадда, Миллий банк, 2013 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, барча манбалар ҳисобидан жами 30,9 млрд. сўм миқдорига микрокредитлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш ва мамлакатнинг халқаро иқтисодий майдондаги муносиб ўрнини мустақамлашда пешқадамлик қилмоқда. Давлатнинг макроиқтисодий ривожланиш борасидаги устувор вазифаларини халқаро молия бозоридидаги ҳолатга мувофиқ тарзда амалга оширишга қаратилган Миллий банк стратегияси энг тўғри танланган йўлдир. Банкнинг тижорат банк сифатидаги барқарор ўсиб бораётган натижалари эса янада кўпроқ ривожланишни ҳамда минтақадда эгаллаб турган етакчилиги мавқеи мустақамланишини таъминлайди.

**«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.**



## «Ақлли» СЕНСОРЛАР

билан жиҳозланади

Европа Иттифоқи электр энергияси тежамкорлигига эришишнинг янги усулини жорий этишни мўлжаллаб турибди.

«Мир новостей» газетасида билдирилишича, эндиликда барча маиший электротехникалар — музлатгич, телевизор, кир ювиш машинаси, электр печ, микро-тўқинли печ, кондиционерлар «ақлли» сенсорлар билан жиҳозланади. Электр тармоғида кўшимча юклар пайдо бўлганда, яъни электр тармоғига улаишлар кўпайиб, зўриқишлар юзага келганда бу маиший техникалар автоматик равишда тармоқдан узилади. Қачонки, тармоқда электр қуввати метёрига тушган, «ақлли» сенсор яна токка уланади.

Бундай тажрибани биринчи бўлиб Британия миллий



электр тармоғи мамлакатда синовдан ўтказмоқчи. Фақат энгергокомпаниялар маиший техникалар сенсорлари техникани тармоқдан узган пайтда фуқаролар кўрадиган зарарни моддий қоплашни зиммаларига олмасликларини олдиндан айтмоқдалар.

## КЕМАЛАР ҚАТНОВИ

туннелда амалга оширилади

Норвегия ҳукумати дунё амалиётда ҳали кузатилмаган янгиликка қўл уришни мўлжаллаб турибди. Яъни кемалар қатновини амалга ошириш мумкин бўлган улкан туннел қуришни режаламоқда.

«Мир новостей» газетаси хабарига кўра, ушбу туннел Норвегия денгизини Шимоллий денгиз билан боғлайди. Маълумки, бу икки денгизни улкан тоғ тизмалари ажратиб туради.

Туннелнинг баландлиги 45 метр, эни 36 метр, узунлиги 2 километр, чуқурлиги эса 12 метрни ташкил қилади. У қуриб битказилгач, туннел 16 минг тона денгиз суви билан тўдирилади.

Бу улкан туннел қурилиши масофани босиб ўтишда вақтни тежаш ёки маблағни иқтисод қилиш мақсадида амалга оширилмаёпти, балки хавфсизлик нуқтаи назаридан бажарилмоқда.

Аслида бу гоё XIX асрдаёқ илгари сурилган.

Маълумки, бу худудда куч-



ли шамоллар ғўжғони доний равишда кузатилади. Бу эса кучли денгиз пўртаналарини юзага келтиради ва кемалар ҳалокатига сабаб бўлади. Айнан шу ҳалокатлардан сақланиш учун янгиликка қўл урилмоқда.

Дарвоқе, туннел қурилишига 1,7 миллиард крон маблағ сарфланади.

Кемалар қатнови индустрияси Норвегияда нефть ва газ қазиб олишдан сўнг учинчи муҳим йўналиш ҳисобланади.

## МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР

узок вақт сақланади. Бу эса...

Бугунги кунда маиший чиқиндилар мавжуд бўлмаган шаҳар ёки қишлоқни топиб бўлмайди. Негаки, саноатлашган, замон талабига мос технологиялашган асрда яшамоқдамиз.

«Аргументи ва факты» ҳафталигида қайд этилишича, маиший чиқиндиларнинг ириб ётиши инсон генетикаси мутацияси ва онкологик касалликларга чалинишини тезлатувчи юз турдан ортиқ токсик моддаларнинг атраф-муҳитга чиқарилган. Агар уларни ёндирса борми, атмосферага ўта захарли газ — диоксинлар ажралиб чиқади. У цитанидан юз қарра захарли бўлиб, онкологик касалликларни келтириб чиқариши аниқланган.

Маиший чиқиндилар тупроққа қоршиб ётиши, оғир металллар — симоб, қўрғош, кадмий ва бошқа шунга ўхшаш моддаларнинг сизот сувларига қўшилиши натижасида инсон саломатлиги учун хавфли бирикмаларни юзага келтиради.

Энди бунга кир содалари қолдиқлари ҳам қўшилиши тасаввур қилинг. Чунки улар ҳам чиқиндиларга таъсир қилган. Шунинг билан таъсир қилган маиший чиқиндиларнинг саноатлиги учун хавфли бирикмаларни юзага келтиради.

Бундан ташқари, чиқиндиларда кун қўрувчи кемирувчилар, мушук ва итлар инфекция ташувчи вазифасини ўтайди. Шу боис чиқиндилар санитария-эпи-

демиология нуктаи назаридан махсус жиҳозланган ва қаттиқ қўриқланган жойларда сақланиши жоиз.

Олимлар чиқинди сифатида атраф-муҳитга ташланган темир-терсагу баклашқанар неча йилларда кетири, тупроққа қўшилиб чиқинди аниқладилар.

Келинг, яхшиси рўйхатини эътиборингизга хавола этайлик:

Ойна парчалари — 1000 йилдан кейин чириши бошлайди. Алюмин банкчалари — 500 йил; қақалоқларнинг замонавий таглиги (пампрес) — 500 йил; пластик «шиша»лар (баклашка) — 500 йил; резина (шу жумладан, авто ва велочиналар) — 100 йил; тунука банкчалар — 100 йил; бўялган ташталар — 13 йил; темир арматуралар — 10 йил; қоғоздан ясалган идишлар — 5 йил; теридан тикилган пойабзаллар — 4 йил; ёғоч ҳодалар — 4 йил; газламалар — 3 йил; қоғозлар — 2 йил; пишик арқонлар — 1,5 йил; картон қутилар — 1 йил; апельсин пўстлоғи — 6 ой; тишланган олма қолдиғи — 2 ой; жониворлар тезағи — 10 кундан кейин чириш ҳолатига кираркан.

Бу маълумотлардан тегишли хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.



ватлашга интилиши хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик узлуксиз ривожланишининг қафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шу тариқа, банк Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ҳамжамиятига қўшилиб боришига фаол кўмаклашаёпти.

Банкнинг профессионал молия муассасаси ва ўз миқозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустақам обрў қозонгани, шак-шубҳасиз, жаҳоннинг энг йирик банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғи кенгайишига ёрдам берди. Масалан, 1992 йилда

агросаноат комплекси, телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарз битимлари тузган. Уларни молиялаштириш ишлари келгуси йилларда амалга оширилади. Темир йўл, автотранспорт ва авиация тармоқларининг коммуникация тизимларини ривожлантириш иқтисодиётини таркибдан ўзгартиришда катта ўрин тутди. Ушбу вазифани амалга оширишда, албатта, автомобилсозлик, самолётсозлик ва юқори технологиялар қўлланиладиган бошқа тармоқларда ҳам катта имкониятлар мавжуд.

«Ўзбекэнерго» ДАКга Миллий банк қафолати билан 220 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит берилган.

Мазкур лойиҳаларнинг мақсади аҳолини, ишлаб турган саноат корхоналари ва республикада янги бошланаётган инвестиция лойиҳаларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашдан иборат бўлади.

Миллий банк етакчи халқаро молия муассасалари ва хорижий тижорат банкларининг кредит йўналишларини жалб этар экан, кичик ва хусусий бизнеснинг, айниқса, замонавий технологиялар ва ноу-хау-

# ФАРҒОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Ибрат

Шоҳмот

**Ф**арғона вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан барча маҳалла, қишлоқ, меҳнат жамоалари, ўқув масканларида китоб байрами, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этилди.



— Катта тантана тусини олган китоб байрами ташкил этилганидан чексиз ҳаяжон ва қувончдан, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов. — Ўзимиз гувоҳ бўлдик, халқимиз китобдан ҳеч ҳам йироқлашмаган, аксинча унга чанқоқ экани шу тадбирларда яққол кўринди.

— Халқимизга, айниқса, ёшларга китоб ўқи, дейиш билан чегараланиб қолмасдан, уларнинг қўлига китоб тутиш керак, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. — Қаранг, китоб тутган юзлаб одамлар уни қандай қизиқиш билан varaқляпти. Демак, китоб уларнинг юрагидан жой топа олади.

Олтиариқдаги байрам ҳомиляр томонидан тумандаги мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, ўқув юрталари, жамоат кутубхоналари, китоблар совға қилиш билан яқунланди.

— Шу бугуннинг ўзида туман кутубхоналари 12 миллион 600 минг сўмлик янги китоблар билан тўлдирди, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Ваҳобжон Азимов.

Туман, шаҳар миқёсидаги «Китобхонлик ҳафталиги» маданият ва истироҳат боғларида, амфитеатрларда уюштирилди. Олтиариқда ҳам бошқа жойлардаги каби китоблар курғазмаси ташкил этилди, янги китоблар савдоси йўлга қўйилди.

— Бугун сеvimли ёзувчиларимизнинг асарларини, наби-рларимга эса расмий топшмоқ китоблардан харид қилдим, — дейди фермер Рустамжон Холиқов. — Шундай байрамни уюштирилганларга катта раҳмат.

да китоб байрамининг вилоят босқичи ўтказилди. Барча шаҳар, туманлардан келган китоб мухлислари, танловларнинг голиблари, шоиру ёзув-

чилар, ҳофизу созандалар маънавият хазинаси бўлган китобни мадҳ этдилар. Тадбирда айрим рақамлар ҳам тилга олинди: вилоятдаги бар-

ча кутубхоналар, фаол китобхонларга ҳомиляр томонидан 1 миллиард сўмликдан зиёд китоб совға қилинбди. Байрамда «Китобхон маҳал-

ла», «Китобхон мактаб», «Китобхон оила» танловлари голиблари эълон қилинди. Риштон туманидаги Мискин маҳалласи «Китобхон маҳалла», Фарғона шаҳридаги 28-умумтаълим мактаби «Китобхон мактаб» деб тан олинди. Олтиариқ туманидан Обиджоновлар оиласи «Китобхон оила» танловда биринчи ўринга муносиб кўрилди.

— Бизнинг оилада энг сеvimли нарса, бу — китоб, — дейди «Китобхон оила» кўрик-танлови голиби Дилором Обиджонов. — Китобни фарзандларим талашиб ўқишади, қадрлашади. Китоб инсонни эзгуликка етаклайди. Оиланиз билан бу кўрик-танловда иштирок этиб, китобга бўлган меҳримиз янада ошди.

— Китоб байрамини йил-ўн икки ой давом эттирамиз, — дейди Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов. — Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбири.**

## ОПА-СИНГИЛНИНГ ГАЛАБАСИ

Аёллар ўртасидаги мамлакат чемпионатида Хулқар Тоҳиржоннова чемпиони бўлиши учун сўнги турда рақибини ютиши ва унинг синглиси Гулруҳбегим эса пешқадам Сарвиноз Қурбонбоевани мағлубиятга учратishi ке-рак эди.

Сўнги турда айнан шундай натижалар қайд этилди ва Хулқар 7,5 очко тўплаган ҳолда мамлакат чемпиони бўлди. Чемпионатнинг қумуш ва бронза медалларига 7 тадан очко жамагар Сарвиноз Қурбонбоева, Ирина Геворган, Гулруҳбегим Тоҳиржоннова, Юлдуз Ҳамрокулова даъвогарлик қилишди. Қўшимча кўрсаткичларга кўра, улар мусобақа жадвалидан юқорида ёзилган тартибда жой олишди.

Чемпионат жадвалининг 6-12-ўринларига тўплаган очко ва қўшимча кўрсаткичларига кўра, шохматчиларнинг номлари қуйидаги тартибда ёзилди: Ольга Собирова — 6; Севара Боймуродова — 6; Нодира Нодиржоннова — 5,5; Баҳора Абдусатторова — 4,5; Моҳи-нур Қаҳрамонова — 4; Фаридат Хурсанова — 4; Полина Вербова — 0,5 очко.

## РЕКОРДАГА БИР БАҲА ҚОЛДИ

Эрақлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида Жўрабек Ҳамрокулов кетма-кет 9 ўйинда галаба қозонди, кейин 2 учрашувда дурангга эришди ва охириги турда яна ютди.



У 11 очко тўплаган ҳолда мамлакат чемпиони бўлди. Агар у икки дуранг қилган ўйинини ҳам ютганида очко жамағиш бўйича рекорд ўрнатарди.

Чемпионат қатнашчилари тўплаган очко ва қўшимча кўрсаткичларига кўра, кўйидаги тартибда ўрин олди: Жўрабек Ҳамрокулов — 11 очко; Баҳодир Холмиров — 8,5; Жаҳонгир Воҳидов — 8,5; Никита Хорошев — 7; Улуғбек Тиллаев — 6,5; Олег Артеменко — 6; Акмал Файзуллаев — 5,5; Алишер Бегмуротов — 5; Алихон Гусейнов — 4,5; Адел Раҳмон — 4,5; Бобур Сатторов — 4,5; Роман Голубов — 4; Инъомжон Шаймуротов — 2,5 очко.

**Асрор МҮМИН**

## ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ:

# БИТИРУВЧИЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

**Т**ошкент автомобиль-йўллар институтида «Карьера куни» тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган турли корхона ва ташкилотлар институт битирувчилари орасидан ўзлари учун зарур бўлган кадрлар билан уч томонлама шартнома имзолади.

калавр, 18 нафар магистр тугаллаиди, — дейди автомобильлар техник эксплуатацияси кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Каримжон Иброҳимов. — Биз бўлиб ўтган

Магистрлар эса инженерлик ва бошқарув тизимида иш олиб боришади. Уларнинг аксари ҳозир ҳам 0,5 ставкада ишлашмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, уларни иш билан таъминлаш муаммоси йўқ.

— Бугунги кунда бизнинг факультетимизда бакалаврлар уч йўналишда тайёрланмоқда, — дейди йўл қурилиши факультети декани, техника фанлари номзоди, доцент Барно Салимова. — Булар — автомобиль йўллари ва аэродромлар, транспорт иншоотлари эксплуатацияси ва касбий таълим. Магистратурада ҳам учта — автомобиль йўллари, автомобиль йўллари ва аэродромларни таъмирлаш ва сақлаш, кўприклар, туннеллар ва метрополитенлар қурилиши йўналишлари мавжуд. Бугунги кунда бакалавр йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар сони 605 нафарни ташкил этади. Уларнинг 140 нафари битирув малакавий ишини тайёрламоқда. Магистратура йўналишида эса 42 нафар магистрант таълим олмақда. Уларнинг 17 нафари битирувчи.



бирда етакчи корхоналар мутахассислари талабаларни энг сўнги янгиликлар билан таништириш билан бир қаторда улар билан шартнома ҳам тузди. Қувонarli тарафи, талабалар корхоналарнинг вилоят филиаллари билан ҳам шартнома тузишди. Эндиликда улар ўқишни тугатиб, ўзлари туғилиб ўсган вилоятда ишлаш имкониятига эга бўлишади.

— Яқунга етаётган ўқув йилида бизнинг ихтисослигимиз бўйича 138 нафар ба-

тадбирни рамзий маънода «Карьера куни» деб номладик. Унда иш берувчи кўлаб корхоналар вакиллари иштирок этишди. Бизнинг кафедрамизни бакалавр йўналиши бўйича тугатган талабалар автобус саройлари, юк ташишга ихтисослашган корхоналар, сервис хизмати кўрсатиш шохбачалари ва мотор заводларида ишлашлари мумкин. Уларнинг ҳаммаси иш берувчилар билан шартнома имзолашга эришди.

Институтида бўлиб ўтган тад-

Тадбир

**Ў**збекистон хотин-қизлар ҳўмтисори ва «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорликда Халқаро оила кўнига бағишланган илмий конференция ўтказди. Унда соҳа мутахассислари оила қадриятларини асраш, ҳозирги кунда айрим оилаларда учраётган муаммоларни ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирди.

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йил давомида 10000 дан зиёд оиладаги ажримларнинг олди олинди, 1,5 миллиондан ортиқ оила ўрганилиб, уларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатилди.

— Конституцияимизнинг 63-моддасида Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, деб белгилаб қўйилгани оиланинг қанчалик юксак мавқега эга эканини кўрсатади, — дейди Республика Хотин-қизлар ҳўмтисори ахборот хизмати раҳбари Гулжамол

Аскарова. — Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати моҳиятида давлат ва жамиятнинг оилага бўлган доимий ғамхўрлиги ўз ифодасини топган.

Анжуман давомида Зулфия номидани Давлат мукофоти лауреатларининг илмий асарлари тўплами тақдими ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг оила мавзусидаги расмлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар ҳўмтисори раиси Э.Боситқонова иштирок этди.

**Альбина ЖУМАНОВА**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» MЧЖ

2013 йил 27 июнь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очiq аукцион савдоларини ўтказди

**Аукцион савдоларига** Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шох қўчаси, 16-«А» уйда жойлашган «REAL CONSULT SERVICE» МЧЖ балансидаги 2006 й. и.ч. д/р 01/189LCA, бошланғич нархи 22 500 000 сўм бўлган «Дамас»; Тошкент вил., Чирчиқ шаҳри, Тошкент қўчаси, 2-уйда жойлашган «MAXAM CHIRCHIQ» ОАЖ балансидаги 1998 й. и.ч. д/р 10/144SAA, бошланғич нархи 6 414 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102»; 1995 й. и.ч. д/р 10/150SAA, бошланғич нархи 4 361 000 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1996 й. и.ч. д/р 10/170SAA, бошланғич нархи 4 501 000 сўм бўлган «ГАЗ-31029»; 1996 й. и.ч. д/р 10/671RAA, бошланғич нархи 4 469 000 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт

воситалари, шунингдек, такоран савдоларига Тошкент ш., Яқкасарой тумани, Бешчинор қўчаси, 2-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОАЖ АК Тошкент филиали балансидаги 1994 й. и.ч. д/р 10/381GAA, бошланғич нархи 1 200 000 сўм бўлган «М-214121»; 1986 й. и.ч. д/р 10/417MAA, бошланғич нархи 2 600 000 сўм бўлган «ГАЗ-5204»; 1984 й. и.ч. д/р 10/986RAA, бошланғич нархи 3 000 000 сўм бўлган «ГБА-СПГ-ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнларида мажкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг қамиди 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб-рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб-рақами-

**Фармацевтик фаолият билан шугулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

Қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича «Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 4 май №54(31.644)-сонда эълон қилинган тендер савдоларига қуйидагича ўзгартиришлар киритилганини маълум қилади:

### ТЕНДЕР (КОНКУРС) ПРЕДМЕТИ:

— Шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари, реактивлар, тиббий ашёлар ва сарфлов материаллари, дезинфекцияловчи ва антисептик воситалар, жами бўлиб 45 турдаги дори-дармон воситалари, тиббий ашёлар ва реактивлар.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс этирилди.

Тендер (конкурс) таклифларини қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 25 июнь соат 15.00 (маҳаллий вақт билан)гача.

## Реклама ва эълонлар

дан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мажкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кўнлари ўтказилган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан соҳуви ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох қўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома №005357

## КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

22 июня и 8 июля 2013 года в 12.00 по адресу: город Нукус, улица А. Темура, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Автомашина марки «КРА3-256 Б 1», 1990 года выпуска, гос.номер 23 АН 850, принадлежавшая ООО «Коныраткурлыс». Начальная цена 510 700 сумов.

Прием заявок производится с 9.00 до 18.00 во все дни кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог в размере не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с № 2020800020497048001 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк г. Нукуса, МФО 00585, ИНН 207145085.

Информацию об объектах выставляемых на торги можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. А. Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84. Уд. № 006388.

**MUASSIS:**  
  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

### TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV Murodilla ABDULLAYEV Saidahmad RAHIMOV  
Hotamjon KETMONOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Farruh HAMROYEV  
Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir 1-o'rinbosari)  
Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA  
Sharbat ABDULLAYEVA Ochiiboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

**BO'LIMLARI:**  
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56; Sport va vatanparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibiyat — 233-72-83.  
**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonada manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
Г — 546 Nashr ko'rsatkichi — 220  
16380 t — Tijorat materiallari  
O'ZA yakuni — 22.50  
Topshirilgan vaqti — 00.30  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV  
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV  
ISSN 2000-7633  
  
1 2 3 4 5